

280 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اسْتُوْصُوا بِالنِّسَاءِ؛ فَإِنَّ الْمَرْأَةَ حُلِقَتْ مِنْ ضِلَاعٍ، وَإِنَّ أَعْوَجَ مَا فِي الضِّلَاعِ أَغْلَاهُ، فَإِنْ ذَهَبْتَ تُقِيمُهُ كَسَرْتَهُ، وَإِنْ تُكْتَهُ، لَمْ يَرُلْ أَعْوَجَ، فَاسْتُوْصُوا بِالنِّسَاءِ». مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ. [خ 3331، م 62/1468].

وَفِي رِوَايَةِ «الصَّحِيحَيْنِ»: «الْمَرْأَةُ كَالضِّلَاعِ؛ إِنْ أَقْمَتْهَا كَسَرْتَهَا، وَإِنْ اسْتَمْتَعْتَ بِهَا، اسْتَمْتَعْتَ بِهَا وَفِيهَا عَوْجٌ». [خ 5184، م 1468].

وَفِي رِوَايَةِ لِمُسْلِمٍ: «إِنَّ الْمَرْأَةَ حُلِقَتْ مِنْ ضِلَاعٍ، لَنْ تَسْتَقِيمَ لَكَ عَلَى طَرِيقَةٍ، فَإِنْ اسْتَمْتَعْتَ بِهَا اسْتَمْتَعْتَ بِهَا وَفِيهَا عَوْجٌ، وَإِنْ ذَهَبْتَ تُقِيمُهَا كَسَرْتَهَا، كَسَرْتَهَا طَلَاقَهَا».

قُولُهُ: «عَوْجٌ» هُوَ بِفَتْحِ الْعَيْنِ وَالْوَao.

280. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

Аёлларга (яхши) муомала қилинглар, чунки аёл қовурғадан яратилган. Қовурғанинг энг эгри жойи унинг юқорисидир. Уни түғрилашга уринсанг, синдириб қўясан, (шу ҳолиҷа) ташлаб қўйсанг, эгрилигича қолаверади. Аёлларга (яхши) муомала қилинглар!».

*Мұттафақұн алаіх.*

Икки Имомнинг бошқа ривоятларида:

**«Аёл киши қовурғага үхшайды. Тұғриласанг, синдириб құясан. Агар ундан баҳраланадиган бўлсанг, эгрилиги бўйича баҳраланасан»,** дейилган.

Имом Муслимнинг ривоятларида:

**«Аёл қовурғадан яратилган. У сенга бир йўсинда тўғри бўлмайди. Агар ундан эгрилигича баҳралансанг, баҳраланиб қолдинг. Лекин уни тўғрилайман десанг, синдирасан. Уни синдириш - талоқ қилишдир»,** дейилган.

**Шарх:** Таржимада «муомала қилинглар» деб ўгирилган сўз араб тилида жуда кенг маънода қўлланади. Бу сўз «бир-бирингизни шунга буюинглар», «ўзаро тавсия беринглар», «ушбу васиятимни қабул қилиб, унга амал қилинглар» деган мазмунларни ҳам ўз ичига олади.

«Аёл қовурғадан яратилган», деганда Ҳавво онамизнинг Одам алайҳиссаломнинг чап қовурғасидан яратилгани назарда тутилган. «Қовурғанинг энг қийшиқ жойи унинг юқорисидир», дейилганда аёлнинг эркакдан асосан ақлу тафаккурда, ҳис-туйғуларда фарқли эканига ишора қилинган. «Уни тўғрилашга уринсанг, синдириб құясан», дегани «Ундан ўз табиатига зид нарсани талаб қилсанг, ундан айрилиб қоласан, ажрашишингга тўғри келади», дегани. Чунки жамиятдаги ўз вазифасини бажариши учун аёлга ўша табиат керак. Бу оддий муносабатлар, одоб-ахлоқ борасидаги ишларга тегишли. Аммо аёлда меъёрдан ташқари ҳатти-ҳаракатлар, шариат чегараларидан ташқари ҳолатлар кузатилса, у ҳолда мулоҳимлик билан уни тўғрилаш керак бўлади. Шу боис ҳадисда «агар ташлаб қўйсанг, қийшиқлигича қолаверади», дейилмоқда.

Бу ҳадис айрим кимсалар ўйлагандек, аёлларни камситиш учун эмас, балки уларни ҳимоя қилиш, бор ҳолатларини тушунтириш учун айтилган. Шунинг учун ҳам ҳадис аёлларга яхши муносабатда бўлишга буюриш билан бошланган ва якунланган. Аёлнинг қовурғадан яратилишида ҳикмат кўп. Қолаверса, бирор нарсанинг нимадан яратилганини айтиш бор воқеъликни баён қилиш бўлади, холос. Бу худди одамнинг аслида тупроқдан яратилганини ёки инсон наслининг манийдан тарқашини айтиш кабидир. Бунда ҳеч қандай таҳқирлаш йўқ. Бу ерда аёл кишига хос бўлган айрим сифатлар унинг асл табиати экани ташбеҳ ва тамсил усуллари билан ифодаланган бўлиб, шу муносабат билан унинг нимадан яратилгани эста олинган.

Ушбу ҳадиси шарифни сиртдан қараганда аёллардаги баъзи камчиликлар ва ўша камчиликларни бартараф этиш мумкин эмаслиги ҳақида, деб тушуниш мумкин.

Аслида эса, бу ҳадиси шариф аёлларнинг эрларидаги ҳақини билдирувчи ҳадисларданdir. Шунинг учун ҳам аёлнинг эридаги ҳақлари, бобида келтирилмоқда. Яъни, аёлнинг ўз эрида ундан содир бўладиган баъзи нуқсонлар учун зулм қилмай сабр қилишини кутиш ҳаки бор.

Беайб инсон йўқ. Жумладан, беайб аёл киши ҳам йўқ. Беайб ёлғиз Парвардигорнинг Ўзи. Аёл кишини Аллоҳ таоло ўзига хос табиат билан яратган. У хотин бўлиши, она бўлиши ва бу вазифаларга тегишли масъулиятларни адо этиши лозим. Ана ўшанинг учун ҳам аёл кишида тез ва таъсирли меҳр кўрсатиш қобилияти бўлиши зарур, бунинг акси ўлароқ унда тез аччиқ чиқиш ва оғир нарсани кўтара олмаслик сифати ҳам юзага чиқиб туради. Аёл киши ўз жинсига мос келадиган машаққатлардан юз ва ундан ҳам кўп эркак киши кўтара олмайдиганини бир ўзи кўтариши мумкин. Аммо ўзига хос бўлмаган қийинчилик, салгина қўпол муомала, бир оғиз ноқулай сўзни кўтара олмаслиги мумкин. Эр ушбу ҳолатларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда хотинига яхши муомалада бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда:

**«Аёлларга доимо яхшилик қилинг!»** демоқдалар.

Халқимизда ушбу маъно аёл киши яхши сўзнинг гадоси, деган ҳикматли сўз билан ифода қилинади. Бундан аёл кишига қилганига яраша эмас, доимо яхши муносабатда бўлиш кераклиги тушунилади. Чунки аёл кишининг асли яратилиши шу-ни тақозо қиласи. Аллоҳ таоло аёл кишини, аввал айтиб ўтилган ҳикматларга биноан, шундоқ қилиб яратган.

Бу маъно ҳадиси шарифда, «**Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир**» деган сўзлар билан ифода қилинмоқда.

Бунда Момо Ҳаввони Одам алайҳиссаломнинг қовурғасидан яратилганига ишора қилинмоқда. Аллоҳ таоло Одам Атони тупроқдан яратиб, унга жон киритганидан сўнг у кишининг қовурғасидан Момо Ҳаввони яратган. Қовурға ўзи эгри нарса, ўша эгри нарсанинг энг эгри жойи энг юқорисидир. Шунинг учун ҳам аёл кишининг ҳаёлига тез-тез турли ўзига хос фикрлар келиб, ундан ҳар хил амаллар содир бўлиб туриши мумкин. Бу ҳеч ғариб нарса эмас. Худди ушбу сифат Момо Ҳавво онамизда ҳам зоҳир бўлган. Бундоқ нарсалар у зотнинг қизларида ҳам зоҳир бўлиб туриши эса турган гап.

Шунинг учун аёлдан содир бўлган ҳар бир нарсани тафтиш қилиб, уни бошқача бўлиши учун уриниш эрга маслаҳат берилмайди. Балки аёл табиатига мансуб нарсаларни ўз ҳолида қолдириб, сабр қилиш афзал саналади. Ана ўшанда уриш-жанжаллар озаяди, оиланинг бузилиш ҳавфи йў-қолади.

Буни ҳадисда, **«уни тўғрилайман деб уринсанг, синдирасан»**, дейилмоқда. Демак, аёл кишида содир бўлган ҳар бир эгриликни тўғрилаш учун уриниш яхши натижага олиб келавермайди. Баъзида бу иш оила бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам иккинчи бир ривоятда, **«уни синдиришинг - талоқ қилишингдир»**, дейилмоқда.

Кези келганида ушбу-аёл кишидан содир бўлганда эр сабр қилиши лозим бўлган нарсалар ахлоқ-одоб ва шахсий муомалаларда бўладиган нуқсонларга боғлиқ эканини эслаб қўйишимиз керак. Агар камчиликлар шариат чегарасидан чиқишга бориб етса, сабр қилиш эмас, тузатиш керак бўлади.

Демак, аёл кишидан содир бўладиган камчиликларга сабр қилиб, у билан яхши яшашга уриниш эрнинг вазифасидир.

Аёл кишининг эридаги ҳақларидан энг муҳими бўлмиш яхши яшашлик, унга гўзал муомала қилишлик ҳақида шариатимизнинг тавсиялари жуда ҳам кўп. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда эрларга хитоб қилиб **«Ва у(аёл)лар ила яхшиликда яшангиз!»** деган.

Бу эса яхши муомала, озор бермаслик, ҳаққини поймол қиласлик, ёмон кўришни изҳор қиласлик, ширинсуханлик, қилган яхшиликларини миннат қиласлик каби ишларда намоён бўлади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

